

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 49-50-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (185-186)
ТЎПЛАМИ 2005 й.
декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

365. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 14 декабрдаги ўРҚ–11-сон Қонуни
366. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 декабрдаги ўРҚ–12-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

367. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 7 декабрдаги ПФ–3696-сон Фармони
368. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг

қилиш марказини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 декабрдаги ПҚ-237-сон қарори

Бешинчи бўлим

369. «Йўловчилар ва қўл юкини ҳаво транспортида ташиш умумий қоидалари» (ЎзР АҚ 195) Ўзбекистон Республикасининг Авиацион қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2005 йил 19 октябрдаги 129-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 декабрда 1529-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
370. «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2005 йил 29 ноябрдаги 597, 8, 145-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 декабрда 1530-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
371. «Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 24 октябрдаги 2005-15-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 декабрда 1127-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
372. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахботлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 11 ноябрдаги 279-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 7 декабрда 1531-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 3 декабрдан 16 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

365 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 11 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунининг (2000 йил 26 майда қабул қилинган 77–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 148-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **19-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги 172–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 262-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-моддасининг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **38-моддасидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги 220–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 58-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **25-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ташқи иқтисо-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 15 декабрда эълон қилинган.

дий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «**Экспорт назорати тўғрисида**»ги 658–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 158-модда) **8-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 декабрь,
ЎРҚ–11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

366 «**Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 11 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида**»ги 173–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 21-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **8-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«архитектура ва қурилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эгадирлар».

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 16 декабрда эълон қилинган.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 декабрь,
ЎРҚ-12-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

367 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўйидаги фармонларига ўзгартишлар киритилсин:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-745-сонли Фармонининг 9-банди ва унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 июндаги «Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2871-сонли Фармони 6-бандининг бешинчи хатбошидаги «ташқил этиш» сўзлари «амалга ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 декабрь,
ПФ-3696-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

368 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказини ташкил қилиш тўғрисида

Шакллантирилаётган ҳуқуқий, қонунчилик базасининг ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини таъминлаш устидан мониторинг қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки, Марказ:

юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳисобот берадиган мустақил ахборот-таҳлил муассасаси ҳисобланади;

адлия вазирлигининг ўринбосари — директор раҳбарлиги остида фаолият кўрсатади;

республика бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатнинг қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишни, унинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг устувор мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш;

социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, гуманитар ҳамда бошқа фаолият соҳаларида демократик ўзгартиришларни амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш дастурларининг вазирликлар ва идоралар томонидан бажарилишини мониторинг қилиш, уларнинг амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича талабларга, халқаро нормалар ва стандартларга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини баҳолаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил этиш, янгиланаётган ва янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан прокуратура ва судловни амалга ошириш органлари, Адлия вазирлиги бўлинмалари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қай даражада амалга оширилаётганлиги устидан доимий назорат олиб бориш;

жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ислохотларнинг ҳуқуқий, қонунчилик базасини янгилаш ва ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлиги, тизимлилигини, қонунчилик нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказининг тузилмаси, штат жадвали ва Низоми 1, 1а ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ ходимларининг чекланган умумий сони 34 бирликдан иборат, шу жумладан бошқарув ходимлари сони — Адлия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимлари сонини 12 бирликка қисқартириш ва Марказга қўшимча 22 та штат бирлиги ажратиш ҳисобига 28 бирликдан иборат этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган чекланган ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнат ҳақи шартлари тадбиқ этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р. Азимов) 2006 йилдан бош-

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лаб ҳар йили давлат бюджетининг харажатларида Марказни таъминлаш, техник жиҳозлаш учун маблағларни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Б. Мустафоев):

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Тўхтаев) билан биргаликда бир ой муддатда Марказнинг жойлаштирилиши ва ободонлаштирилишини таъминласин;

Марказни офис мебелли, компьютер техникаси ҳамда унинг ишини ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа моддий-техникавий воситалар билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга оширсин;

икки ой муддатда Ҳукуматнинг қонун ҳужжатлари лойиҳаларига оид иш режаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда унинг ижросини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов) бир ой муддатда Марказни белгиланган тартибда зарур алоқа турлари ва воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан, шунингдек Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

9. Марказ:

Олий Мажлис палаталарининг қонунлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир нусхадан юборилиши мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, молия, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди, бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистика ахбороти юборилиши мажбурий бўлган реестрга киритилсин.

10. Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худойбергенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 декабрь,
ПҚ-237-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУҒИ

**369 «Йўловчилар ва қўл юкини ҳаво транспортида та-
шиш умумий қоидалари» (ЎзР АҚ 195) Ўзбекистон
Республикасининг Авиацион қоидаларини тасдиқлаш тўғри-
сида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
5 декабрда 1529-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 15 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 95-моддасига асосан ва меъёрий базани такомиллаштириш мақсадида Дававианазорат томонидан «Ҳаво транспортида йўловчилар ва қўл юкини ташиш умумий қоидалари» (ЎзР АҚ 195) Авиацион қоидалари ишлаб чиқилди, **буюраман:**

1. «Йўловчилар ва қўл юкини ҳаво транспортида ташиш умумий қоидалари» (ЎзР АҚ 195) Ўзбекистон Республикасининг Авиацион қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

3. Ишбошқарувчи (Ш.Н. Шамсиева) томонидан девонхона (О.В. Демиденко) билан ҳамкорликда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида Авиацион қоидаларнинг кўпайтирилиб барча эксплуатантлар ва манфаатдор ташкилотлар)га тарқатилиши таъминлансин.

4. Мазкур буйруқ бажарилиши устидан назорат Дававианазоратнинг авиацион хавфсизлик бошқармаси бошлиғи В.А. Рижкин зиммасига юклатилсин.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 19 октябрь,
129-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

370 Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
5 декабрда 1530-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 15 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ–213-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро қилиш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, ўн кундан кейин амалга киритилади.

Мудофаа вазири Р. МИРЗАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 ноябрь,
597-сон

Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Т. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 ноябрь,
8-сон

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 ноябрь,
145-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

371 Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 декабрда 1127-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 27 мартда тасдиқланган қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга (2002 йил 18 апрель, рўйхат рақами 1127) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 24 октябрь,
2005-15-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

372 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
7 декабрда 1531-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 17 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сон Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан ўн кун кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалдаги ЎзПТАнинг 1999 йил 20 апрель 157-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (1999 йил 13 апрель рўйхат рақами 700) рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари М.М. Сангилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 11 ноябрь,
279-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 3 декабрдан 16 декабргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Йўловчилар ва қўл юкини ҳаво транспортида ташиш умумий қоидалари» (ЎзР АҚ 195) Ўзбекистон Республикасининг Авиацион қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2005 йил 19 октябрдаги 129-сонли буйруғи.*

2005 йил 5 декабрда 1529-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 15 декабрдан кучга киради).

2. «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2005 йил 29 ноябрдаги 597, 8, 145-сонли қарори.*

2005 йил 5 декабрда 1530-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 15 декабрдан кучга киради).

3. «Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 24 октябрдаги 2005-15-сонли буйруғи.*

2005 йил 6 декабрда 1127-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 декабрдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 11 ноябрдаги 279-сонли буйруғи.*

2005 йил 7 декабрда 1531-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 17 декабрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектр ива радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида низом. *ЎЗАПТ томонидан тасдиқланган (1999 йил 13 апрель, рўйхат рақами 700).*

Адлия вазирининг 2005 йил 7 декабрдаги 181-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.